



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT \* XALO ZIVOLILARI GAZETASI \*

1931-yildan chiqa boshlagan

2003-yil 15-fevral, shanba

№ 13 (7518)

Илм — уммон. Унинг чексиз худудлари сари саёхатга отланиш, сирли оламнинг ҳали кўпчиликка номаълум мўъжизаларидан воқиф бўлиш мактаб остонасини ҳайрат ила ҳатлаган ҳар бир ўқувчи ўғил-қизни қизиқтириши шубҳасиз. Албатта, ҳар бир фан ўзгача бир дунё. Шу боис ўзи сабоқ бераётган фан оламига ўқувчини қизиқтира олиш, унинг ҳайратини, ўрганишга бўлган интилишини ошириш ўқитувчидан чуқур билим, маҳорат ва меҳр талаб қилади. Зотан, бола қалби илмга, оламни ўрганишга қанча ташна бўлса, шунча меҳр ҳам кўмсайди.

Андижон вилоятининг Хўжаобод туманидаги 17-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Муҳаррамхон Абдуллаеванинг ютуқлари омили ҳам ана шунда. Зеро, ўқитувчи ўқувчиларни математика оламининг сирли хилқатлари сари бошлар экан, ҳар бир дарсни мўъжизалар майдончасига айлантиришга уринади. Бу фикрга "Йил ўқитувчиси — 2002" кўрик-танловининг республика босқичида муваффақиятли иштирок этган М.Абдуллаеванинг бир соатлик дарсини кузатиб, биз ҳам амин бўлдик.

Суратда: "Йил ўқитувчиси — 2002" кўрик-танловининг республика босқичи иштирокчиси Муҳаррамхон Абдуллаева.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ  
олган сурат

(Дарс тафсилотлари билан  
3-бетда танишасиз)



## SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

### QAROR

Aholining chakana savdo, umumiy ovqatlanish va maishiy xizmat ko'rsatish korxonalarini xizmatlariga bo'lgan ehtiyojini yanada to'liq qondirish, ularning tarmog'ini ayniqsa, xizmatlar ko'rsatish darajasi respublika bo'yicha o'rtacha darajadan past bo'lgan mintaqalarda yanada kengaytirish maqsadida "2003-2006 yillarda chakana savdo, umumiy ovqatlanish va aholiga maishiy xizmat ko'rsatish korxonalarini tarmoqlarini rivojlantirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori qabul qilindi.

### OLIY MAJLISDA

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining demokratik institutlar, nodavlat tashkilotlari va fuqarolarning o'zini-o'zi boshqarish organlari qo'mitasi mamlakat parlamenti huzuridagi amaldagi qonunchilik monitoringi instituti, inson huquqlari milliy markazi tomonidan O'zbekiston Ochiq jamiyat instituti ko'mak jamg'armasi yordamida o'tkazilgan davra suhbatini "Nodavlat notijorat tashkilotlari faoliyati kafolatlari va ularni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash" mavzusiga bag'ishlandi.

## ҲОЛВА ДЕГАН БИЛАН...

Мен "Маърифат" газетасини мунтазам ўқиб, мамлакатимиздаги билим масканларида олиб борилаётган таълим-тарбия ишлари жараёнидан бохабар бўлиб бораёпман. Шу билан бирга маз-

мактабимиз кутубхонасида бугунги кун ёшлари тафаккурига мос ва истиқлол даврида нашр этилган бадиий адабиётлар жуда кам. Мактаб кутубхонасига янги китоблар келиши ёки келтирилиши

### Madadtalab maktublar

кур соҳада юз бераётган янгилликларнинг ёритилиши баробарида айрим таълим масканларидаги мавжуд камчиликлар хусусида мақолалар берилиши ҳам мақсадга мувофиқ бўлмоқда, деб ўйлайман. Чунки бу гапларни айтишдан мақсадим — мен ўқиётган мактаб ҳам баъзи муаммолардан холи эмаслигини таъкидлашдир. Хусусан,

учун ўқувчилар нима қилиши керак? Умуман бундай масалаларга ким жавобгар? Ўқувчилар эса янги бадиий китоблар ўқишни жуда хоҳлашади. Лекин ҳолва деган билан оғиз чучимади-ку? Бизларга ким ёрдам бера олади?

Дилором ЎРОЗБОЕВА,  
Жиззах вилояти Дўстлик  
туманидаги 9-мактабнинг  
11-синф ўқувчиси

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ИБРАТ  
САБОҒИ

3-бет

САВОЛЛАР  
"ТҮРИ" ДАН  
КУТИЛИШ ЧОРАСИ

4-бет

Омон МАТЖОН:

ГЎЗАЛЛИККА  
ИНТИЛИШ —  
ҲИҚМАТЛАРГА  
ИНТИЛИШДИР

5-бет

БИР ҲАРОФ  
ЎРГАТИШ БАХТИ

6-бет

КОМПЬЮТЕРНИ  
ЎРГАНИШ ҚАЙ  
АҲВОЛДА

7-бет

МУҚАННА  
ҚЎЗҒОЛОНИ  
МУАРРИХЛАР  
ТАЛҚИНИДА

8-бет

СИНОФ РАҲБАРИ  
НИМА ДЕЙДИ?

9-бет

ШОИР БИЛАН  
УЧРАШУВ

9-бет

"РУБОНЙЛАР"  
МУАММОНОМАСИ

16-бет

























## ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ КЎМАК ЖАМФАРМАСИ ҚАДАМ-БАҚАДАМ ДАСТУРИ ДИРЕКТОРИ ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

### Фаолият мазмуни:

☑ Директор 10 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган таълим дастурларини ислоҳ қилиш бўйича дастур — Қадам-бақадам дастурини бошқаради.

☑ Директор дастурнинг стратегик режалаштирилиши ва мамлакатда бажарилиши учун масъулиятни ўз зиммасига олади. Бу дастурнинг бевосита мактабгача таълим муассасалари ва мактабларда татбиқ этилиши учун стратегияни ривожлантириш, шунингдек, университетлар, педагогика институтлари, педагогика билим юртлири, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари ҳамда мактаб ўқув марказлари ўқув дастурларини ривожлантириш орқали дастурнинг узоқ муддатли амалда бўлиши режасини шакллантиришни ўз ичига олади.

☑ Директор маҳаллий ҳокимият органлари,

Халқ таълими вазирлиги мутасадди шахслари билан алоқа ва муносабатлар ўрнатиши ҳамда дастурнинг расман тан олинишига эришиши лозим.

☑ Дастурни бошқариш муносабатларида шуни аниқлаштириш лозимки, директор дастур тренерлари ва кичик маъмурий штатлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олади. Ўз навбатида: дастурни татбиқ этиш учун мактаб ва боғчаларни танлаш, синф хоналари учун материаллар харид қилиш, мактаб ўқув штатларини ташкил этиш ва назорат қилиш, дастур бюджетини ривожлантириш, шартномалар, ҳисобот ва ҳужжатларни қўллаб-қувватлаш учун ҳам жавобгардир.

### Малакалар:

➔ Болаларни илк ривожлантириш соҳасида ҳамда таълим бериш, тренинглари ўтказиш иш тажрибаси;

➔ ота-оналарни ҳамкор деб кўзда тутувчи жамоат дастурларини ишлаб чиқиш фаолияти тажрибаси;

➔ штат бошқариш қобиляти ва жамоада ишлаш;

➔ ишчанлик хусусиятлари ва музокара олиб бориш;

➔ таълим дастурлари бўйича ҳамкорлик фаолиятини ташкил қилиш учун АҚШ вакиллари билан иш олиб боришга қодирлик;

➔ яшаётган мамлакатда ва чет давлатларда ўтказиладиган тренингларида иштирок этиш учун саёҳат қилиш имкониятига эга бўлиш;

➔ бюджет, шартнома ва грантларни бошқаришга, ҳисоботлар тайёрлашга қодирлик;

☑ Ўзбек, рус тилларини билиши керак, инглиз тилини билса ундан ҳам яхши (инглиз тили шарт эмас).

Резюме (хулоса) ва CV 2003 йил 14 мартгача куйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент, 700031; Зарбоғ кўчаси- 31 ёки svetlana @ osi.uz электрон почта. Боғланувчи шахс: Света Тен

## ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ КЎМАК ЖАМФАРМАСИ ҚАДАМ-БАҚАДАМ ДАСТУРИНИНГ ИККИ НАФАР ТРЕНЕРИ ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

### Фаолият мазмуни:

✓ Ушбу шахс мактабгача ва бошланғич таълим соҳасида тажрибага эга бўлиши шарт. У методология, бошланғич мактабда таълим бериш соҳалари ёки болалар боғчаси раҳбари иш тажрибасига эга бўлиши лозим. У ота-оналар — ўз фарзандларининг биринчи ўқитувчилари эканлигига ишониши керак.

✓ Тренерлар халқаро тренерларга ўқув режаси ва бошқа материалларни мослаштиришда ёрдам берадилар.

✓ Тренерлар дастур ўқув режаларини тузишлари шарт.

✓ Тренерлар ўқув тренинглари олиб боришлари, шунингдек, лойиҳага киритилган мактаб ва боғчалар ўқитувчилар таркибига маслаҳатчи сифатида ёрдам кўрсатишлари лозим. Шунингдек, ҳар бир синф хонасига, дарсларга кириши ва учрашувлар ўтказиши зарур.

✓ Тренерлар синф хоналари жоҳозланиши ва шакллантирилишини назорат қиладилар ҳамда ҳар бир синф хонасининг зарур материаллар, ўйинчоқ ва китобларга эга бўлишини таъминлайдилар.

✓ Тренерлар дастурдаги ўз штатлари, болалар ва оилаларни ҳар қандай ахборот билан таъминлайди.

### Малакалар:

✓ Болалар боғчаси ёки бошланғич мактаб ўқитувчиси сифатидаги иш тажрибаси.

✓ Педагогика факультети ўқитувчиси ёки тренери иш тажрибаси.

✓ Илк болалиқдан болаларни ривожлантиришнинг янги методларини қўллашга қизиқиш.

✓ Энтузиазм, ижодий потенциал ишга мослашувчанлик.

✓ Мамлакат бўйлаб тез-тез саёҳат қилиш имконияти.

✓ Ўзбек, рус тилларини билиши керак, инглиз тилини билса ундан ҳам яхши (инглиз тили шарт эмас).

Резюме ва CV 2003 йил 14 мартгача куйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент 700031; Зарбоғ кўчаси- 31 ёки svetlana @ osi.uz электрон почта. Боғланувчи шахс: Света Тен

## Муқтарам юртдошлар.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН БИРИ

## ХАЛҚ БАНКИ



Жисмоний ва юридик шахсларга «СВИФТ» халқаро тўлов тизими орқали пул маблағларини жаҳоннинг исталган нуқтасига зудлик билан етказиб бериш ва қабул қилиб олиш хизматини таклиф этади.

Барча турдаги ўтказмалар энг арзон тариф асосида амалга оширилади.

Сиз пул ўтказмаларингизни Халқ банкининг барча бўлимларида амалга оширишингиз мумкин.

Сиз омонатингизга ҳисобланган фоизли даромаларни олиш билан бир қаторда 1000000 сўм ютуқ совриндори бўлиш имкониятига эгасиз.

«Наврўз совғаси» омонатига пул маблағлари жорий йилнинг 10 мартига қадар қабул қилиниб, ютуқлар тиражи 2003 йилнинг 19 мартда Фарғона шахрида ўтказилади.



Омонатга пул маблағлари Халқ банкининг барча бўлим ва шахобчалари орқали қабул қилинади.

**ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ**



МИЖОЗЛАРГА ЯНГИ  
«НАВРЎЗ СОВҒАСИ» — ҚИСҚА  
МУДДАТЛИ, ЮТУҚЛИ ОМОНАТ  
ТУРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Омонатга пул маблағлари 3 ой  
муддатга, камида 3000 (уч минг) сўм қабул қили-  
ниб, йиллик 30% миқдорида даромад тўланади.



